

## РАПҚОН – АЖОЙИБ ЖОЙ ЭКАН

*(Муқимийнинг «Саёҳатнома»сидан)*

Машҳур мумтоз шоиримиз Муқимий таърифни келтирган қишлоғимиз Фаргона водийсининг бетакрор ва хушманзара гушаларидан биридир.

Бепоеън адирларга тутшиб кетган Рапқон қишлоғини Катта Фаргона канали олмос камардек айланиб ўтади ва унинг чор атрофи ададсиз бог-роғлар билан бурканган.

Устозимиз, филология фанлари доктори, тилшунос олим, профессор Ёрмат Тожиев ана шу қишлоқ фарзанди. Унинг отаси Тожибой ота Холматов машҳур пахтакор бўлиб, узок йиллар давомида пахта бригадасида раҳбарлик қилиб донг таратган ва давлатнинг қатор мукофотларига сазовор бўлганлар. Устоз Ёрмат Тожиевнинг оталари Тожимат бобо 45 йил пахтачилик бригадасига раҳбарлик қилиб, нафақага чиққандан кейин ҳам янги ўзлаштирилган ерларда пиёз ва сабзавот экиллари ҳамда полиз маҳсулотлари етиштирди. Тожимат ота ҳукуматнинг бир нечта орден ва медаллари билан тақдирланганлар, бир неча бор «Қишлоқ хўжалиги қурултойлари»да катнашган инсон. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, Тожимат ота Холматов номига қишлоқ тарихида илк бор «ГАЗ-21» Волга енгил автомобили мукофот тариқасида берилган.

Отанинг аёллари Сокинабиби билан ўн бир фарзандни Мирзааҳмад, Садинисо, Ёрмат, Мирзакарим, Мирзараҳим, Иброҳим, Фотимахон ва Ҳусанбой, Абдумутал, Хурсанойларни тарбиялаб вояга етказганлар. Сокинабиби «Қаҳрамон она» бўлганлар. Ўғилларининг ўқимишли бўлишларига интиланган. Натижада, олимлар, юрист ва ўқитувчилар бўлиб етишишган.

Мен, 70-йилларда ТошДУнинг талабаси сифатида Ёрмат домладан сабоқ олганман. Унинг лекциялари ўта жонли ва кизиқарли ўтгани бонс, талабаларнинг иштиёқини тортарди. Устоз талабаларни ўзига яқин олар, самимий муносабатда бўларди.

Ўқишни битириб, Тошкентда ишлаш давомида Ёрмат ака билан кадрдонлашиб кетдик. Жуда кўп давра ва тадбирларда ҳамтовоғу ҳамсуҳбат бўлганмиз. Тилшунослик ва адабий жараён борасида мунозаралар қилганмиз. Ёрмат ака гузалликнинг шайдоси эди. Ҳамкасби ва дўсти Омонулла Мадаев билан ҳар йили баҳорнинг айни ўриклар гуллаган палласида Рапқонга бориб қийғос гуллаган ўрикзорларни кезиб, олам-олам завқ олишар, табиатнинг бу бетакрор гузаллигидан баҳраманд бўлишарди. Қишлоқ зиёлилари Ёрмат акани жуда ҳурмат қилишар, ҳар борганида унга пешвоз чиқишиб, боғларда, тоғ бағри саёҳатларига ҳамроҳ бўлишга интилишарди. Дунёқараши кенг бўлган одамлар даврасида устоз янада очилиб кетар, суҳбатлар ўта содда ва самимий тарзда бўлиб ўтарди.

Тошкентда фаолият юритиб, умргузаронлик қиладиган рапқонликларнинг ойда бир марта уюшиб турадиган «рапқон давраси» тадбири бор эди.

Меҳр кўзда, деганларидек, олимлар, ижодкорлар, тадбиркорлар, санъат кишилари, ҳарбийлар ва ҳоказо соҳалар вакилларида иборат бу йигирма кишилик давра мунозаралари ўта қизгин ва самимий ўтарди.

1. У.Норматов (филолог);
2. Ё.Тожиев (тилшунос);
3. Мағрубжон (медик);
4. Алимат Ш. (ўқитувчи);
5. Х.Тухтабоев (ёзувчи);
6. И.Турсунназаров (академик рассом);
7. Сотволди ака (тадбиркор);
8. А.Зоҳидов (файласуф);

9. Абдумутал (стоматолог);
10. Музаффар (юрист);
11. Саидахмад (тадбиркор);
12. Ҳ.Тожиматов (тилшунос);
13. Э.Рузматов (педагог);
14. О.Қучқоров (журналист);
15. М.Соатов (филолог);
16. Ш.Салимов (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист);
17. Баҳромали (ҳарбий);
18. Абдуҳалил (ИИБ ходими);
19. Эгамназар (тадбиркор);

**Облоберди ҚУЧҚОРОВ,**  
**журналист**